



# YOSHLAR OVOZI

## “НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИ АҲЛИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳри ташкил этилганининг 60 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўтган тарихан киска даврда минг-минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли Қизилқум саҳросида ривожланган ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ўзида мужассам этган, нафақат юртимиз, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси қад ростлади.

Комбинатнинг қурилиши ҳудуддаги мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга улкан минерал бойликларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилишини бошлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, 60 йил муқаддам бу заминда мазкур sanoat мажмуаси негизда бунёд этилган, буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталган мамлакатимизнинг энг кўркам ва замонавий шаҳарларидан бири — Навоий шаҳри ҳам бугун ўз юбилейини нишонламоқда.

Кон бошқармалари ва йирик sanoat объекти негизда Учқудук, Зарафшон, Нуробод, Заркент ва Маржонбўлак шаҳарлари барпо этилди.

Замонавий шаҳарсозликнинг ёрқин намуналари бўлган ушбу масканлар йил сайин обод бўлиб, ҳар томонлама раванқ топмоқда.

Ҳудудда янги корхоналар қурилмоқда, жаҳон андозалари даражасидаги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари кенгаймоқда.

Етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётгани харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бериб, бутун тармоқнинг барқарор фаолиятини таъминламоқда.

Бугунги кунда Ўзбек олтинининг юқори сифати бутун дунёда эътибор этилгани, мамлакатимиз олтин-валюта захиралари орғиб, иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётгани ҳам иқтисодиётимиз локомотиви бўлмиш Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп миллатли меҳнат жамоасининг хизматлари бекиёс.

Олтин, уран, подир металллар, фосфорит ҳамашёси конларини ўзлаштириш билан бирга комбинат қурилиш ва дастгоҳсозлик sanoati учун кенг турдаги маҳсулотлар, шунингдек, халқ истеъмолчи товарларини ишлаб чиқараётгани қувонарлидир.

Гигант корхонанинг кўпмиш кишилик жамоаси кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бутун мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишда фаол иштирок этаётгани таҳсинга сазовор.

Давлатимиз томонидан Навоий кон-металлургия комбинатини ҳар томонлама ривожлантиришга биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, НКМКни 2026 йилгача ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд қарийб 30 га яқин йирик инвестиция лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилиб, 30 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Бу йўналишда ҳозирнинг ўзида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Ауминзо-Амантой” олтин руда конини ўзлаштириш ва унинг асосида гидрметаллургия заводининг барпо этиш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасини қуриш, “Мурунтов” карьерини ўзлаштириш ишлари жадал суръат билан давом эттирилмоқда.

Комбинат негизда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий филиали ҳудуднинг инновацион ва технологик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

**Ҳурматли дўстлар!**

Мамлакатимизда стратегик ислохотларнинг янги босқичи бошланган бугунги кунда бутун халқимиз, жумладан, комбинат жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолиси олдида гоёт муҳим вазифалар турибди.

Хусусан, бу ерда қатор янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишимиз, рақобатбардош sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришимиз, ҳудуднинг улкан табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришимиз лозим.

Навоий кон-металлургия комбинатининг юксак профессионал малакали аҳил ва истеъдодли жамоаси ҳамда бой тажриба ва маҳоратга эга, юртимиз ва халқимизга содиқ Навоий шаҳри аҳли ана шундай кенг миқёсли вазифаларни муваффақиятли адо этишига ишонаман.

Сиз, азизларга, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тизилма.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти

## YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

### ПРОРЕКТОРЛАР РАҚОБАТ МУҲИТИДА ИШЛАЙДИ



Ҳусейн НАЗАРМАТОВ

Яхши шифокор аввал бемор билан бафуржа суҳбатлашиб, унинг касали аломатлари, қачон бошлангани, жараён қандай кечгани-ю ҳозирги аҳоли қандайлигига суриштиради. Бу жуда муҳим. Чунки мулоқот асносида шифокор касалликни даволашни керакми ёки касаланими, аниқлаб олади.

Юртимиз олий таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректорлари учун Тошкент шаҳридаги Ёшлар марказида уч қунлик ўқув-семинари айна

мақсадда ташкил этилди. Асосий эътибор бугун мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларга эмас, балки бугунги шиддаткор замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қилиниши зарур бўлган, дунё тажрибасида самара бераётган ёндашувлар, назарий ва амалий тенденциялар ҳамда уларни миллий муҳитимизда жорий этиш имкониятларига қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 июнда “Олий таълим муассаса-

ларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарорга кўра, олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозими жорий этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## FORUM

### МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Пойтахтимиздаги Зарафшон концерт залида Ёшлар медиа-форуми ўтказилди.

Ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ёшлар ташкилотининг 2019 йилга мўлжалланган медиа-лойиҳа ҳамда дастурлари ҳақида маълумот берилди. Қайд этилганидек, келгуси йилдан етук салоҳиятга эга журналист кадрларни тайёрлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда ёшлар медиа марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, ёш қаламкашлар учун махсус стипендия жорий этиш режалаштирилган.

Форумда соҳала учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича қатор фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Яқунда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг ёритиш ва тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистлар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Ёшлар ҳаётига оид туркум кўрсатув ва давҳалар тайёрлайман, — дейди форум голиби, “Ишонч ТВ” бош муҳаррири Элёр Гўрўглиев. — Бу орқали бизга муаммолари вазиятлар билан муносабат қилган йиғит-қизларнинг масаласини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишимиз. Бу ютуқ бизга билдирилган ишонч, энди унга муносиб бўлишимиз керак.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан Ёшлар иттифоқи навбатдаги ижтимоий миссияни амалга оширишга киришди. 22 ноябрдан мамлакат миқёсида “Ўзбекистон ёшлари — янги замон бунёдкорлари” шиори остида ёшлар фестиваллари бошланди.

## БИРИНЧИ МАНЗИЛ — СУРХОНДАРЁ



Янги мега лойиҳада жамиятимизнинг энг обрўли контингенти — қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти вакиллари, ёшларга оид давлат сиёсатини ёритувчи даврий матбуот нашрларининг масъул ходимлари, шунингдек, ёш олимлар, тадбиркорлар, спортчилар,

психологлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар иштирок этмоқда. Улар Республика тарғибот гуруҳи таркибиде 25 декабрга қадар фаолият кўрсатади. Шу муддат мобайнида жаннатмақон дидеимизнинг барча ҳудудларига сафарлар ташкил қилиниб, маҳаллий ҳокимлик

ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари билан елкама-елка тарзда ёшлар муаммолари ўрганилади, ҳар бирининг ечимига қаратилган ўнлаб муҳим ташаббуслар амалга оширилади.



**Рўзимурод ЧОРИЕВ,** Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Ёшларни эътиборсиз қолдиришга ҳаққимиз йўқ! Уларни ўқитиш, яхши касб эгаси бўлишига рағбатлантириш, жамиятда муносиб ўрнини топишига имконият яратиш, бандлигига кўмаклашиш, уй-жой таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш, қолаверса, МАФКУРАФИЙ ТАҲДИДЛАР ВА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ВАЗИФАМИЗ.

Давоми 3-саҳифада

# ПРОРЕКТОРЛАР РАҚОБАТ МУҲИТИДА ИШЛАЙДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Президент Администрациясининг тегишли хизматига юкланди. Худудларда янги олий таълим муассасалари ташкил этилиб, замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртки ва кечки бўлимлар очилиши, қабул квоталари оширилиши, умуман, халқаро стандартларга мос олий таълим тизimini яратиш бўйича кенг қўлмал ишлар амалга ошириладиган вазиятда масъулият ҳам шунга яраша бўлиши табиий.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббус билан ўтказилган семинарда юртимиздаги барча олий таълим муассасалари проректорлари иштирок этди.

Ўқув-семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов мазкур тадбирнинг бугунги кун талаби ва заруратидан келиб чиқиб ташкил этилгани, мамлакатимизда олий таълимнинг кадрлар тайёрлаш масаласига нисбатан ёндашувнинг принципиал ўзгариши, жамият ҳаётида инновацион тафаккур тарзи халқ килувчи аҳамият касб этаётгани хусусида тўхтади. Бу жараёнда ёшлар билан эскича ишлаб бўлмаслиги, ҳар бир мутахассисни замонавий талабларга жавоб берадиган етук қилиб тарбиялаш масъулияти ҳар бир профессор-ўқитувчидан аввало ўзини ривожлантиришига таъкидланди.

Ўқув-семинарда ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялашда олий таълим муассасалари проректорлари роли ва



ёндашиб, уларнинг иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг барча чораларини кўришга чакирди.

— Бугун ёшлар билан ишлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли вазифага айланди. Айниқса, талабалар билан ишлашда йўл кўйиладиган камчиликларимиз, афсууски, тайёрланаётган кадрлар сифати ва савиясида намоён бўлмоқда. Бу ўз навбатида жойларда ишлаб чиқариш ва ижро тизими фаолият самардорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Малакали кадрлар талаб қилинаётган нукталарда эса, бўшлик пайло бўлишига олиб келмоқда, — деди у.

Албатта, бугунги талаба эртага кучли мутахассис, маълум бир соҳанинг ривожига ҳисса қўша оладиган инновацион ёндашувга эга етук кадр бўлиши керак. Олий таълим муассасида ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозими жорий этилганининг моҳиятида эса истиқболда сўзсиз қилиниши шарт бўлган қўллаб-қувватлаш турганини англаш кийин эмас. Бу борада Ёшлар иттифонининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари, жамоатчилик кенгашлари, факультет ва гуруҳ етакчилари ёрдамчи куч сифатида майдонга чиқиши керак.

Семинарда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мазмун-моҳияти атрофида таҳлил қилиниб, олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган асосий вазифалар белгилаб олинди.


Олий таълим муассасаларида янги тузилмалар — талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқи фаоллари, кадрлар бюрократлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат таркибда жамоатчилик кенгашларини, янги ғоя ва ташаббусларни шакллантириш мақсадида “Ёш экспертлар гуруҳи”ни ташкил этиш борасида келишиб олинди.

Ўқув-семинарда тинловчилар, маърузалар билан бир қаторда, амалий машғулотларда ҳам фаол қатнашди. Ҳар қайси проректор ўзининг иш услуби ва ёшлар билан ишлашдаги тажрибаларини ўртоқлашишига имкон яратилди.

Яқинда “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда олий таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректорларнинг роли ва ташаббусларини” мавзусида таҳлил ва ташаббуслар акс этган лойиҳалар тақдимоти бўлди.

Бугун олий таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректорлари суҳбат-аттестациядан ўтади. Эндиликда улар мазкур ўқув-семинар давомида белгилаб олинган устувор вазифалар ижроси юзасидан ўзига ҳос рақобат шароитида ишлайди.

Ф.КАРИМОВ



ташаббусларини ошириш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва уларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, олий таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш, Ёшлар иттифонининг бошланғич ташкилотлари иштини жонлантириш, “устоз-шогирд” аъёнана-ларини давом эттиришни рағбатлантириш, ижтимоий тармоқлардан хавфсиз фойдаланиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ.Қуронбоев олий таълим муассасаларида давлат ва жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий бўлинча эканига ургу берди. Мана шу ҳаёт-мамонт масаласига панжа орасидан қараб, ёшлар тақдир ва келажагига бефарқ бўлишга ҳеч қимнинг, айниқса, ёшлар масалаларига масъул шахсларнинг ҳаққи йўқлигини кайт этди. Бу борада Президентимиз томонидан билдирилган ишончга муносиб тарзда, ёшлар ишлари бўйича проректорлар ҳар жиҳатдан ибрат бўлиши, талаба-ёшлар салоҳиятига индидуал

## TARG'IBOT

Барно ЯКУБОВА

# Саломатлик посбонлари хизматига шай!

“Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!” лойиҳаси доирасида Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида кўнгилли йигит-қизлар учун ўқув-семинари ташкил қилинди.

Ушбу ташаббус ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга муносиб ҳисса қўша оладиган тарғиботчи-тренерлар сифатини кенгайтиришга қаратилган.

Машғулотларга ҳар бир худудда 50 нафардан зиёд тенгдошимиз жалб қилинди. Уларга ОИВ/ОИТС, гихёвандлик, ичкиликбозлик ва қашандаликнинг олдини олиш бўйича керакли маълумотлар берилди.

Бўлғуси тренерларга вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази,



наркология диспансери шифокорлари, Саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари билан жонли мулоқот қилиш имкони яратилди. Якунда ёшларга ўқув қўлланмалар, тарғибот олиб бориш ҳуқуқини берадиган махсус сертификат ҳамда бейжизлар тарқатилди.

## 8-DEKABR — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI QABUL QILINGAN KUN

# ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Мейли ТўРАҚУЛОВ,  
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Давлатнинг бошқарув тизими доимо турли ҳуқуқий манбалар асосида шакллантирилади. Масалан, VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда ижтимоий муносабатларни Қуръони карим тартибга солиб турган. Амир Темур тузуқлари ҳам шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжат эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек “... Асосий қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Қаримов раҳбарлигида 1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари

ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганиمنى доимо фахр билан эсламан. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ кизгин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар хали ҳам хотирамда”.

Дарҳақиқат, ўша даврда Конституция комиссияси олдида бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш, ривожланган мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида, демократия ва қонунчилик борасида қўлга киритган ютуқларини ҳисобга олиш ҳамда барча учун тушунарли бўлган

сиёсий ва юридик ҳужжат яратиш вазифаси юклатилган эди.

Шу боис Бош қомусимиз лойиҳасини тайёрлашда 97 та мамлакатнинг конституциялари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. Асосий қонунимиз икки марта — 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа нафақат мамлакатимиз халқи, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассислари томонидан эътироф этилди.

Бош қонунимиз лойиҳасига киритилган тузатиш ва қўшимчаларнинг барчаси жуда муҳим эди. Комиссия раиси конституцияни аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлари, оналик ва болаларнинг муҳофазаси қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдирини тақлиф қилди. Инсон эркинлиги ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларга асосий эътибор қаратилди.

Мана, 26 йилдирки, кўп миллатли Ўзбекистон халқи туб мазмун-моҳияти инсонни улуғлашга қаратилган Конституциямиз ҳимоясида эмин-эркин яшаб келмоқда. Асосий қонуни-

миз мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги улкан ўзгариш ва янгиланишлар, амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси ва ишончли қарорати бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, охириги икки йилда юртимизда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббуси орқали Конституция-мизга тегишли ўзгаришлар киритилди. Масалан, пойтахтимиз туманларида халқ депутатлари кенгашларига сайловлар ўтказиш йўлга қўйилди. Мажбурий меҳнатни тақиллаш борасида сезиларли ишлар бажарилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Айниқса, миллий валюта-миз — сўмнинг эркин конвертацияси йўлга қўйилгани қўллаб-қувватловчи амалларга барҳам берди.

Айни пайтда фуқароларимизнинг Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” Давлат дастурлари бўйича қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар асосида арзон, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Амалга ошириладиган барча ислохот ва ўзгаришлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

## YOSHLAR VA HUQUQ

Ҳасан УСМОНОВ

# Юзма-юз

## ва очиқчасига



Чилонзор тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ҳамда иқтисодий судлари раисларининг аҳоли билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Лойиҳа Ёшлар иттифонининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан амалга оширилди.

Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга ёшлар ҳам иштирок этди. Йиғиланларга суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш, жамиятда қонуний устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ, шунингдек, юртдошларимиз ижтимоий ҳаётида дуч келётган муаммолар хусусида батафсил сўз юритилди. Тақлиф ва ечимлар айтилди.

Ўзаро мулоқот жараёнида йигит-қизлар ўзларини кизиктирган саволларга батафсил жавоб олди.

## RAG'BAT

# Ғолибга пул мукофоти

Зулфизар МАВЛОНОВА

Матбуот ва ахборот агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси ҳамда Ёшлар иттифонининг худудий кенгаши ҳамкорлигида иждоқор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва истеъдодини намоён этишига қўмақлаштириш мақсадида “Менинг кутубхонам” номли мақолалар танлови ўтказилди. Унда талаба-ёшлар публицистик материаллари билан қатнашди.

Ғолиблик Феруз Сайфуллаевага насиб этиб, у пул мукофоти билан тақдирланди. Қолаверса, Мафтуна Қудратова “Севимли адибимга мактуб”, Зилола Пўлатова “Китоб ва мен”, Раҳматулла Темиров эса, “Мен севган асар” номинациялари бўйича алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Яна уч нафар тенгдошимизга фаол иштироки учун диплом ва китоблар топширилди.

## Ахборот технологиялари соҳасида ислохотлар давом этмоқда

KEYINGI YILLARDA мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этишга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларнинг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизimini такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни янги боёқсизга кўтариши шубҳасиз.

Ушбу ҳужжатда бугунги кунда “Электрон ҳуқуқ” тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўқсинлик қилувчи бир қатор муаммолар келтирилган ва уларни бартараф этишнинг янги тартиб ҳамда механизмлари белгилаб берилган.

Ҳақиқатдан ҳам амалиёт шуни кўрсатдики, кейинги вақтларда ахборот-коммуникация тизимлари томонидан қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги кўрсатилаётган ҳақиқатлар сифатининг пасайишига олиб келаётган эди.

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги мазкур

йўналишда олиб борилаётган ишларнинг самардорлигига салбий таъсир этмай қолмади.

Телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукамал эмаслиги давлат ахборот тизимлари объеклари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувиغا сабаб бўлаётгани маълум бўлди.

Қолаверса, турли бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоқидан фавоқ фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлод дунёқараши ва онгига салбий таъсир кўрсатаётгани кундек равшан.

Шундан келиб чиқиб қабул қилинган қарорга мувофиқ, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги назорат тизimini янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция ҳамда Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибин таъминлашга қўмақлаштириш маркази тугатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, давлат унитар корхонаси шаклидаги Техник қўмақлаштириш маркази ҳамда “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига қўмақлаштириш маркази ташкил этилди.

Қарор билан ушбу тузилмаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Унга қўра, Давлат инспекцияси

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказиш) муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда “Электрон ҳуқуқ” тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш каби вазифаларни амалга оширади.

Шу билан бирга, иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш вазифаси ҳам белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот соҳасидаги ислохотлар, яратилаётган имкониятлар, аввало, фуқароларимизга қулайликлар яратиши, уларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва теъоритик ҳамда берилаётган ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаши зарур.

Жамшид ПИРМАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎЗА

## IMKONIYAT

# Мисрлик устозлар иш бошлади

Мисрлик Абуйд Мухаммад Абулхалим Абдулжаввад ва доктор Магди Зайбалининг Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Мумтоз шарҳ филологияси” факультетида ўқитувчи сифатида иш бошлагани муносабати билан академиянинг педагог ходимлари ва талабаларига таништириш маросими бўлиб ўтди.

## Кибермаконда дин ва ахборот

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Кибермаконда дин ва ахборот истеъмоли маданияти” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда кибермакон тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, кибермаконда диний жараёнларнинг кўринишлари, намоён бўлиш шакллари ҳамда глобаллашув жараёнида маълумотнинг мазмуни ва стратегиясини таҳлил

қилиш, кибермакон орқали берилаётган маълумотларнинг ёшлар маънавияти ва ахлоқи, руҳияти ва дунёқарашига таъсири, уларнинг сиёсий қарашлари ва эътиқодини виртуал ахборотлар ёрдамида салбий ёки ижобий томонга ўзгартириш усуллари тўғрисида сўз юритилди.

## Кибермаконда дин ва ахборот

қилиш, кибермакон орқали берилаётган маълумотларнинг ёшлар маънавияти ва ахлоқи, руҳияти ва дунёқарашига таъсири, уларнинг сиёсий қарашлари ва эътиқодини виртуал ахборотлар ёрдамида салбий ёки ижобий томонга ўзгартириш усуллари тўғрисида сўз юритилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси матбуот хизмати

## БИРИНЧИ МАНЗИЛ — СУРХОНДАРЁ

(Бошланиш 1-саҳифада)

Аслида Иттифокнинг йирик лойиҳалари арсеналида турли фестивал, форум, декада ва ҳафталиклар талайгина. Бироқ аксарияти ёшларнинг фақат муайян қатлами (ўқувчи, талаба, етакчи, тadbиркор ва ҳоказолар) учун мўлжалланади ёки тор йўналишинингина қамраб олади. Бу сафар эса, ёшлар ташкилоти мутасаддилари стратегияни биров ўзгартиришга қарор қилди. Янги ижтимоий миссия “ёшлар фестивали” деб номлангани билан ҳайбаракаллачилик ва қарсақбозликлардан мутлақо холи. Унинг дастур-мундарижасида биронта ҳам беҳуда учрашув, қуруқ ваъдаларга асосланган мулоқот ёнги катта-катта стадионларда, азбаройи оммага кайфият улашиш учунгина ўтказиладиган ваҳимали

ли, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Рўзимурод Чориев. — Вилоят аҳлининг ярмидан кўпи ёшлар. Бу салкам 1,5 миллион қоракўз дегани. Уларни ўқитиш, яхши касб эгаси бўлишига рағбатлантириш, жамиятда муносиб ўрнини топишига имконият яратиш, бандлигига қўмаклашиш, уй-жой таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш, қолаверса, мафкуравий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш — вазифамиз. Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир маромда кечмайди. Ишда хато ва камчиликлари бўлиши табиий. Лекин ёшларнинг эътиборсиз қолдиришга ҳақимиз йўқ! Чунки бундай лоқайдлик эртага мамлакатни хароб қилди. Мана нима учун Ёшлар иттифоқи кўпдан-кўп амалий лойиҳа ҳамда

лоқотга киришар экан, куйидаги фикрларни билдирди:

— Бугун Ёшлар иттифоқи нафақат тинимсиз меҳнатию тенгсиз иқтидор билан мамлакат шон-шавкатини юксалтира олаётган, ўз соҳасининг етуқ билимдонига айланган ҳамда салмоқли ютуқлари билан бошқа тенгдошларига ўрнак кўрсатаётган, балки тақдир зарбасига учраб, жамиятдан узулиб қолган ва келажакка умиди сўниб бораётган ўғил-қизларга ҳам елкадош бўлмоқда. Кўл ёки оёғидан айрилган бола менинг ҳеч кимга керагим йўқ, деган ҳаёл билан уйда қамалиб ўтириши нотўғри. У соғлом тенгдошлари сафига қўшилиши, таълим олиши, иқтидорини рўёбга чиқариши, танловларда қатнашиши, Ватани ва халқига фойдаси тегадиган шахс бўлиши керак. Фикримча, биз, тарғиботчилар ёшлар ва уларнинг ота-оналарини мана шу фикрга инонтира олишимиз даркор.

Ишсизлик ҳам мамлакатимиз учун оғриқли масала. Чунки у, аввало, ёшларнинг кайфиятига таъсир кўрсатмоқда. Баъзи йигит-қизлар оқибатини ўйламай, ғаламисларнинг ёлгон ваъдаларига учиб, хорижга чиқиб кетмоқда. **Ўтган йилнинг кузига Ўзбекистон Республикаси Марказий Кенгаши раиси бошчилигидаги делегация таркибидан Россия Федерациясининг бир қанча минтақасида бўлиб, муҳожири йигитларимиз билан учрашдим, янаша шароитлари билан танишдим. Тўғри, улар орасида ўз йўлини топиб кетган, омади юришганлари бор. Аммо аксариятининг ахвали барибир ҳавас қиларди даражада эмас. Девдай қомати бор ўзбек эраки иссиқ уй-жойини, бола-чақаси ва она Ватанини ташлаб, мусофир юртда бошпанасиз, ҳақ-ҳуқуқсиз юртани,**

илиниши ҳеч гап эмас.

Мулоқот чоғида Жиноят ишлари бўйича Музработ тумани суди раиси Тўлқин Абдураимов ўтган ўн ой мобайнида судда қўрилган жиноят ишлари хусусида маълумот берди. Шулардан тўрттасида айблов ёшлар ҳамда воёга етмаган шахсларга қўйилган. Бу асосан ўғриллик ва товланмачилик жиноятларидир.

— Ёшлар кўпинча қонунни билмаслиги туфайли жиноят содир этади, — таъкидлади судья. — Масалан, бир ўқувчи йигит ҳамроҳи билан бобосининг уйдан ўн миллион сўм пул ҳамда ўзи ўқийётган коллеж директори хонасидан ноутбук ва бошқа буюмлар ўғирланган. Иккала йигит қилмиши жиноят эканини фақат суд залида тушуниб етди. Тасаввур қиялпсизми, суд залида! Ваҳоланки, ана шундай билимсизлик инсон умрини хароб қилиши, орзуларини чилпачин қилиб юбориши ҳеч гап эмас.

Тadbир якунида йигит-қизлар суд раисига турли саволлар билан муножарат қилиб, 30 ёшгача шахсларга тайинланиши мумкин бўлган энг оғир жазо тури, воёга етмаганлар қанча муддатга озодликдан маҳрум қилиниши, Ёшлар иттифокнинг қафиллик хати асосида қимлар суд залидан озод этилиши мумкинлиги ҳақида билиб олди. Фаол ўқувчиларга Иттифок ҳомийлигида “Ёшлар кутубхонаси” туркумида чоп этилган бадиий адабиётлар совға қилинди.

### “ОБИХАЁТНИНГ” ИЧМ-БУЛОҒИ

Шундан сўнг тарғибот гуруҳи аъзолари тумандаги ҳақиқий кутубхона томон йўл олди. Бу “Обихаёт” маҳалласида қад ростлаган бир қаватли мўъжазгина зиё масканидир.



**БУ САФАР ЁШЛАР ТАШКИЛОТИ МУТАСАДИЛАРИ СТРАТЕГИЯНИ БИРОЗ ЎЗГАРТИРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ. ЯНГИ ИЖТМОИЙ МИССИЯ “ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ” ДЕБ НОМЛАНГАНИ БИЛАН ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛИК ВА ҚАРСАҚБОЗЛИКЛАРДАН МУТЛАҚО ХОЛИ. УНИНГ ДАСТУР-МУНДАРИЖАСИДА БИРОНТА ҲАМ БЕҲУДА УЧРАШУВ, ҚУРУҚ ВАЪДАЛАРГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ ЁНГИ КАТТА-КАТТА СТАДИОНЛАРДА, АЗБАРОЙИ ОММАГА КАЙФИЯТ УЛАШИШ УЧУНГИНА ЎТКАЗИЛАДИГАН ВАҲИМАЛИ КОНЦЕРТ ВА ШОУЛАР ЙЎҚ.**




концерт ва шоулар йўқ. Йигирмата лойиҳанинг ҳар бири аниқ режа-мақсад билан ва табиийки, худди шундай аниқ натижага эришиш учун ишлаб чиқилган. Бу ҳақда Сурхондарё вилоятидаги фестивал олдидан ташкил этилган матбуот анжумани чоғида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари вазифини бажарувчи Бегмат Очиллов маълум қилди.

ташабусларга қўл урмоқда. Биргина Сурхондарё мисолида олиб кара-

### Мирза АЗИЗОВ Ўзбекистон халқ артисти

“**ҚўЛ ЁКИ ОЁҒИДАН АЙРИЛГАН БОЛА МЕНИНГ ҲЕЧ КИМГА КЕРАГИМ ЙЎҚ, ДЕГАН ҲАЁЛ БИЛАН УЙДА ҚАМАЛИБ ЎТИРИШИ НОТЎҒРИ. У СОҒЛОМ ТЕНГДОШЛАРИ САФИГА ҚЎШИЛИШИ, ТАЪЛИМ ОЛИШИ, ИҚТИДОРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ, ТАНЛОВЛАРДА ҚАТНАШИШИ, ВАТАНИ ВА ХАЛҚИГА ФОЙДАСИ ТЕГАДИГАН ШАХС БЎЛИШИ КЕРАК.**”



У нафақадиги мактаб ўқитувчиси, маориф соҳасида эллик йил фидокорона меҳнат қилган Дўстқобил Қодиров саъй-ҳаракати билан бунёд этилди.

Жорий йил аввалида Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганида фахрий педагог ҳаёти давомида ўн мингдан ортиқ китоб тўплаб, эндиликда маҳалла аҳли учун уй-кутубхона-

Фестиваль доирасида пойтахтдан келган бир гуруҳ зиёлилар ташкилот номидан Дўстқобил отанинг уй-кутубхонасига 20 дона бадиий адабиёт тўхфа этди.

Майри ташаббус баҳонасида биз кутубхонанинг доимий фойдаланувчиси — Термиз давлат университети талабаси Жавлонбек Хуррамов билан танишдик. Унинг шахсий кутубхонасида нақ юзта китоб жамланган. Яқинда Жавлонбек “Ёш китобхон” республика танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ажаб эмаски, илму маърифатта ташна бу дўстимиз тез орада танловнинг мулоқот қилибга айланиб, Президент совғаси — “Spark” автомобилга эга чиқса! Нима бўлганда ҳам, Дўстқобил Қодировнинг биргина эзгу амали бугун ўнлаб илмсевар ёшлар фойдасига хизмат қилмоқда. Шунинг ўзи катта ютуқ!

### 20 ҚОРАКЎЗ — 20 ТА ҚАЛЪ

Сурхондарёнинг олис туманларидан бири — Қизирқанда ёшлар фестивали “Спорт ҳафталиги” билан бошланди. Туман марказидан йўлга чиққан автокарвон меҳмонларни тўғри болалар ва ўсмирлар спорт

биринчи куннинг ўзида худди шундай саховат акцияси Ангор, Музработ туманлари ҳамда Термиз шаҳрида ҳам амалга оширилди. Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 20 нафар фарзандига киши кийимлар, ўқув қуроллари ва китоблар, озик-овқат маҳсулотлари улашилди.

Юқорида ёшлар бандлиги масаласига алоҳида тўхталган эдик. Ушбу мавзу ёшлар фестиваллари концепциясида ҳам етакчи ўринни эгаллаган. Шундай қилиб, йирик ижтимоий миссия доирасида мамлакатимизда ёшлар тadbиркорлигини ривожлантириш ва ёш тadbиркорлар учун яратилган имкониятлар хусусида жонли мулоқотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда Ёшлар иттифоқи қошидаги Ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши мутахассислари жалб қилинган.

— Мактаб ва коллеж битирувчилари, ҳеч жойда ишламайдиган, айниқса, ризк-насиба гамида чет элга чиқиб тараддулида бўлган ёшларни жорий йилда қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида хабардор қилганимиз, — дейди Иттифокнинг Марказий Кенгаши Ёшлар тadbиркорлигини ривожлантириш бўлими бошлиғи Феруз Аблиқов. — Ҳозирда дастур доирасида ташкил қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ҳисобидан ташкилотимиз шахсий бизнесини бошламоқчи бўлган йигит-қизларга йилга 7 фоиз ставкада, имтиёзли давр билан 2 миллиард сўмгача кредит ажратилди. Сурхондарё вилоятида мана шу имкониятдан фойдаланиш истагидиги ёшларнинг 684 та лойиҳаси тасдиқланган. Умумий ҳисобда 57 миллиард 890 миллион сўмлик кредит маблағлари тўлиқ тасарруф этиб бўлинган, йил охиригача худудда тўрт мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Шу бугунга келиб эса, 261 нафар сурхондарёлик тенгдошимиз “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, салкам 800 та иш ўрнини ташкил қила олди. Бундан ташқари, ёш тadbиркорлар туман ва шаҳарларда жами 53 та “Ёшлар меҳнат гузари”, шунингдек, икки та “Ёш тadbиркорлар” қоворнинг марказини қуришда жонбозлик кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон ёшлари — янги замон бунёдкорлари” шiori остидаги ёшлар фестивали Сурхондарё вилоятида бугун ўз ниҳоясига етади.

Наргиза УМАРОВА

### МУАММОЛАР ҶИМЗИГА ЕТАРЛИ

Дарвоқе, ёшлар фестиваллари “эстафетаси” айнан Сурхон заминидан бошланганида ҳам ўзига яраша рамзий маъно бор. Аввало, бу юрт дунё узра қўхна цивилизациялар бешиги сифатида тан олинганини ўқувчиларимизга эслатиб ўтсақ. Қолаверса, Сурхондарёдан қўллаб мутафаккир зотлар, азиз авлиёю анбиёлар, қомусий олимлар етишиб чиқгани айни ҳақиқат. Ушбу муқаддас диёрнинг бугунги эгалари — қалби қайноқ, мард ва тағти йигит-қизлар ўз ҳаётидаги ўзгаришу юксалишлар, қолаверса, ўй-ташвишлари, муаммо ва тақлифлари билан биринчилар қаторида бўлишига ҳақли, албатта. Ҳарқалай, бундай имкониятни яратиб бериш ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсати ижроси билан бевоқифа шуғулланадиган шахслар — Ёшлар иттифокнинг вилоят кенгаши раиси ҳамда вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари учун ҳам принципиал муҳим

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ МЕҲНАТ ҚИЛИШ УЧУН ДУНЁНИНГ ИСТАЛГАН МАМЛАКАТИГА ЧИҚИШГА ҲАҚЛИ. БИРОҚ УНДАН АВВАЛ ЎЗ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТЎКИС ЎРГАНИБ ОЛИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ. АКС ҲОЛДА, ЮРТДОШЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА, СОДДАДИЛ ВА ИШОНУВЧАН ЁШЛАР ФИРИБГАРЛАР ТУЗОҒИГА ИЛИНИШИ ҲЕЧ ГАП ЭМАС.**

масала. Зотан, Президентимизнинг ёшларни рози қилиш бўйича давлат ва нодавлат тузилмалари олдига қўйган талаблари, шунингдек, тегишли қарор ва фармонлар, давлат дастурларида белгилаб берилаётган вазифаларни кабинетда ўтириб бажариб бўлмайдилар. Бунинг учун халқ ичига кириб бориш, фуқаролар билан юзма-юз кўришиш ва кўнглига йўл топа олиш, асосийси, уларни муаммолари билан яққалантириб қўймаслик даркор.

— Муаммолар эса, ўзимизга етар-

битқазилди. Йил якунига қадар вилоят марказида яна учта “Ёшлар уйи”ни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ёшлар фестивали доирасида эса, деновлик 32 та ёш оиланинг уй тўйларини биргаликда нишонлаймиз.

Сурхондарёга йўл олган Республика тарғибот гуруҳи аъзолари орасида Ўзбекистон халқ артисти, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыка театри директори Мирза Азизов ҳам бор. Лойиҳа олдидан санъаткор журналистлар билан му-

**аниқроғи, шу нарсаларни ўзига эп билаётгани юрагини қон қилди. Суринтирсам, шу одам ойига 150-200 доллар пул топаётган экан. Ҳа, ундан кўра, қишлоғида лой қориб, гинг қуйса ҳам ўша пулни топади-ку!** Фестиваль доирасида ёшлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, фикрини тўғри ўзаниб беришимиз керак. Ана шунда адашишлар кам бўлади.

### СУД ЗАЛИДА...

Тарғибот тadbирлари доирасида сурхон ёшларига хорижга чиқиб тартиби, меҳнат ҳуқуқлари ҳам тушунтирилмоқда. Масалан, Жиноят ишлари бўйича Музработ тумани судида бўлиб ўтган учрашув давомида Тошкент шаҳар ИИББ миграция ва



сини очмоқчи эканини айтиб, бу борада ёрдан сўрагани. Нурунийнинг илтимоси ерда қолиб кетмади. Қисқа фурсат ичида обихаётликлар учун замонавий типдаги, барча қулайликларга эга янги кутубхона қуриб берилди. Унда учта ўқув зали, интернет тармоғига уланган компьютерлар мавжуд. Китоб фонди эса, муталаага меҳри банд инсонлар қўмаги билан бойимокда. Бу ишга Ёшлар иттифоқи ҳам муносиб ҳисса қўшяпти.

мактабга элтди. У ерда икки минг нафарга яқин йигит-қиз иштирокида футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ўтказилди. Шундан сўнг тарғибот гуруҳи вакиллари Ёшлар иттифокнинг маҳаллий кенгаши фаоллари ҳамроҳлигида совға-саломлар билан “Юксалиш” ва “Етимқум” маҳаллаларида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни йўқлади. Маълумот ўрнида айтиш керак,

## SPORT

SHAXMATCHILARIMIZDAN  
91 TA MEDAL!

Sherzod MAHMUDOV

Poytaxtimizda shaxmat bo'yicha 6 yoshdan 20 yoshgacha bo'lgan o'g'il-qizlar o'rtasida o'tkazilgan G'arbiy Osiyo chempionati nihoyasiga yetdi.



O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi, Milliy olimpiya qo'mitasi va mamlakatimiz shaxmat federatsiyasi tomonidan o'tkazilgan musobaqada vakillarimizdan tashqari BAA, Hindiston, Bangladesh, Qozog'iston, Eron, Turkmaniston, Tojikiston, Shri-Lanka, Afg'oniston va Qirg'izistondan tashrif buyurgan o'smirlar o'zaro kuch sinashdi.

Vakillarimiz rapid, blits va standart yo'nalishlari bo'yicha bo'lib o'tgan bahslar yakunida 91 ta medalga sazovor bo'ldi. Quvonarlisi, ularning 26 tasi oltin medaldir! Ushbu natija bilan terma jamoamiz chempionatda umumjamo'a hisobida birinchi o'rinni egalladi. Qozog'istonlik shaxmatchilar ikkinchi o'rinni band etgan bo'lsa, kuchli uchlikni eronlik shaxmatchilar yakunlab berdi.

## ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

O'tgan yili Prezidentimiz tashabbusi bilan bilib-bilmay jinoyat ko'chasiga kirgan yoshlarni jamoat tashkilotlari kafilligi asosida qamoq jazosidan ozod etish amaliyoti joriy qilingan edi. Shundan buyon deyarli har hafta goh u tuman, goh bu shaharda sudlangan yigit-qizlarga o'nagan uchun imkon berilayotgani, ularga yengilroq jazo turlari tayinlanayotgani haqida eshityapmiz.

OZOD BO'LDI,  
KO'ZIGA YOSH OLDINodir JUMAYEV,  
Yosh huquqshunolar kengashi mas'ul xodimi

Bunday xushxabarlardan necha-necha onazorlar halovat topmadi, qalbi chuqur minnatdorlik hissiga to'lmadi, deysiz.

Yaqinda Toshkent shahar Yashnobod tumani "Boyqo'rg'on" mahallasida bo'lib o'tgan jinoyat ishlari bo'yicha sayyor sudda Olim Norboyev (ism-familiyasi o'zgartirilgan)ning ishi ko'rib chiqildi. Ayblov jiddiy — yosh yigit uzoq muddatga qamalgan bo'lgan. Ammo sud majlisida qatnashgan mahalliy jamoatchilik vakillari, xususan, mahalla oqsoqoli va faollar o'z so'zini aytdi. Navrastaning muqaddam sudlanmagani, otasi yo'qligi, qilmishidan chin

ko'ngildan pushaymonligi hamda jabrlanuvchiga yetkazilgan zararni qoplab bergani aytiladi. Yoshlar ittifoqi qoshidagi Yosh huquqshunolar kengashi vakili esa, tashkilot Olimning to'g'ri yo'lga qaytishiga kafil bo'lishini ta'kidlab, ozodlikdan mahrum qilish bilan bog'liq bo'lmagan jazo tayinlashni so'radi. Sudya barcha fikrlarni inobatga oldi. ...Hukm o'qildi. Qamalishiga bir bahya qolgan yigit hayajonini yashirolmay, yig'lab yubordi. Unga ko'rsatilgan beminat ko'makdan ta'sirlanib, Yoshlar ittifoqiga a'zo bo'lish istagini bildirdi. Murojaat darhol qanoatlantirildi. Hozirda Yosh huquqshunolar kengashi tengdoshimizning bandligini ta'minlash yuzasidan tegishli choralar ko'rmoqda.

## JARAYON

INSON  
MANFAATLARI  
har narsadan  
ustunOtabek JIYANBAYEV,  
O'zMTDP Toshkent shahar kengashi raisi

Yurtboshimiz Chilonzor tumanida poytaxt faollari bilan bo'lgan uchrashuvda Toshkent shahrida namunali mahallalarni ko'paytirish, odamlarga yaxshi yashash uchun sharoitlar yaratish, bu borada mavjud muammolarni tezroq bartaraf etish, eng asosiysi, xalqni bugungi kundan rozi qilish yuzasidan topshiriq va ko'rsatmalar bergan edi.

Xalq deputatlari Sergeli tumani kengashi deputati Xirojiddin Ibragimov nomiga "Xalqobod" mahallasiga qarashli 31-32-33-uyalar fuqarolari nomidan Vyan Svetlana Alekseevna murojaat qilgan. U xalq vakilidan mahallada mini-bank yo'qligi, odamlar, ayniqsa, qariyalar kommunal va boshqa to'lovlarni to'lashda qiynchiliklarga duch kelayotgani, shuning uchun mahalladan bank filialini ochishda amaliy yordam so'ragan.

Deputat ushbu murojaat yuzasidan "Ipoteka" ATB bankiga murojaat qildi. Bank rahbariyati deputatning mazkur so'rovinomasi qo'llab-quvvatlagani, yaqinda "Xalqobod" mahallasida "Imkoniyat" mini-banki ochildi.

— Nuroniyalar nomidan deputatga o'z minnatdorchiligini bildiraman, — deydi Vyan Svetlana mahalla guzarida deputat bilan bo'lgan yuzma-yuz uchrashuvda. — Murojaatim qog'ozda qolib ketmagandim xursandim.

Shuningdek, "Sarikul" ko'chasida istiqomat qilayotgan Malohat Rasulova ayni paytda farzandi qamoq jazosini o'tayotganini aytib, yolg'iz yashayotgani va uyini ta'mirlash uchun moddiy imkoniyati yo'qligini mutasaddilarga ma'lum qildi. Deputat ko'magi bilan fuqaroning uyida "Homylik hashari" uyushtirildi. Hashar yo'li bilan Malohat Rasulovaning uyi ta'mirdan chiqarildi.

## HAR MAOSH DAN BIR KITOB

Xalq deputatlari Bektemir tumani kengashiga O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasidan saylangan deputat Feruza Jalilova tashabbusi bilan tumandagi "Binokor" temir-beton zavodida "Har maoshdan bir kitob" loyihasi doirasida kitoblar ko'rgazmasi tashkil qilindi. Unda "Kitob durdonasi" davlat unitar korxonasi tomonidan taqdim qilingan ilmiy va badiiy kitoblar namoyish etildi.

— Tadbirning aynan ishchilar maosh olgan kunga mo'ljallab o'tkazilishi bejiz emas, — deydi F.Jalilova. — Masalan, Bektemir tumani bironida kitob do'koni yo'q. Ko'pchilik markazga borishga vaqtini qizg'anadi yoki hafsala qilavermaydi. Demak, barcha muassasa va tashkilotlarda "Har maoshdan bir kitob" loyihasi doirasida muntazam kitob savdosini tashkil qilsak, nafaqat yoshlar, balki mutolaadan uzoqlashgan kattalar orasida ham kitobxonlik madaniyatini yanada oshirishga munosib hissa qo'shgan bo'lar edik.

Shuningdek, deputat "Xalqaro maktab kutubxonalarini kuni" munosabati bilan tumandagi 292-umumta'lim maktabiga borib, ta'lim dargohi kutubxonasi bugungi holati bilan tanishdi, o'zining mualliflik asarlari hamda sara kitoblar to'plamini maktab kitob fondiga sovg'a qildi.

BARCHA MUROJAATLARGA  
YECHIM TOPIлади

O'zMTDP Mirobod tumani kengashi vakillari "Uy-ma-uy" loyihasi doirasida hududdagi "Tong yulduzi" mahallasida odamlarning yashash sharoitlarini yaxshilash borasida qilinayotgan ishlar bilan tanishdi. "Hamal" ko'chasida istiqomat qilayotgan IV guruh nogironi Baxtiyor Aliyev moddiy yetishmovchilik sabab davolanish uchun dori-darmon olishda, Ashiribi Jabborova o'g'lini shifokor ko'rigidan o'tkazish va tegishli muolajalar uchun ko'mak so'rab murojaat qildi. Partiya vakillari aholidan tushgan barcha murojaatlarni birma-bir ko'rib chiqib, amaliy yechim topish choralarni ko'rishga va'da berdi.

## SOG'LOM TURMUSH TARZI SARI

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti qoshidagi Olmazor akademik litseyida Xalq deputatlari Shayxontohur tumani kengashiga O'zMTDPdan saylangan deputat Dilshod Isomiddinov tashabbusi bilan litsey direktori kubogi uchun futbol musobaqasi o'tkazildi.

Ko'tarinki ruhdan o'tgan bellashuv g'oliblariga deputatlar tomonidan tashkil etilgan musobaqa kubogi, faxriy yorliq va esdalik sovg'alari topshirildi.

## XAYRIYA

SOVG'A EMAS,  
E'TIBOR MUHIM

Shahnoza SHARIPOVA

Ellikqal'a tumanida "Ittifoq va "Kamalak" portfelleri" loyihasi amalga oshirildi.

Uni Yoshlar ittifoqi faollari kam ta'minlangan, boquvchisini yo'qotgan oila farzandlari, shuningdek, jismoniy imkoniyati cheklangan bolalarni ma'nan qo'llab-quvvatlash hamda qalblariga quvonch ulashish maqsadida tashkil etdi.

Tashabbuskorlar "Ibn Sino", "Bo'ston", "Abay", "Istiqlol" mahalla fuqarolar yig'inlarida bo'lib, bolalarga o'quv qurollari jamlangan portfelleri taqdim etdi. Bunday yo'qlovdan xonadon sohiblarining ko'ngli tog'dek ko'tarildi.

— Farzandim hali maktabga chiqmagan bo'lsa-da, o'qishga ishtiyoqi baland, — deydi Nihoyat Jumaniyozova. — Bugungi sovg'alar esa, ayni mudao. E'tibor va g'amxo'rlik uchun tashkilotchilardan behad minnatdormiz.

## HIKMAT

Odamlar aqlining chirog'i bilim,  
Balodan saqlanish yarog'i bilim.

RUDAKIY

MUZEYLAR —  
moziy darchasiFazliddin RAHIMOV,  
Temuriylar tarixi davlat muzeyi ilmiy xodimi

Muzey — xalq tarixining ko'zgusi. Uning tarbiyaviy ahamiyati, axboriy imkoniyatlari, g'oyaviy-mafkuraviy ta'siri haqida qancha gapirsak, shuncha oz. O'zida boy madaniy merosni, milliy qadriyatlarini, ilmiy tadqiqot manbalarini mujassam etgan bunday maskanlar bugun yurtimizda mingdan ortiq. Ular xalqimizning turli davrlarda bosib o'tgan hayot yo'lining in'ikosi bo'libgina qolmay, kelajak taraqqiyotimizga ham muayyan darajada ta'sir etuvchi o'ziga xos maskanlar hisoblanadi.



Albatta, har bir millatning ma'naviyati uning tarixi, o'ziga xos urf-odat va an'analari, hayotiy qadriyatlaridan oziqlanadi. Bu jarayon, hech shubhasiz, ma'naviy merosni va madaniy boyliklarni asrab-avaylash, ko'hna tarixiy yodgorliklarni ilmiy o'rganish orqali muntazamlik kasb etadi.

Ayni paytda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "2017 – 2027 yillarda davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bajarilishini nazarda tutgani bilan ahamiyatlidir. Unda har bir muzeyning yo'nalishidan kelib chiqqan holda imkoniyati

to'g'risida"gi qarori muzeylar ishini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ular fondlarini bebaho tarixiy eksponatlar bilan boyitishga xizmat qilyapti.

Manzilli dastur 2017 – 2027 yillarda davlat muzeylari faoliyatini yanada takomillashtirish va rivojlantirish, yangi davlat muzeylarini ochish va qayta tashkil etish, ular faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bajarilishini nazarda tutgani bilan ahamiyatlidir. Unda har bir muzeyning yo'nalishidan kelib chiqqan holda imkoniyati

cheklangan tashrif buyuruvchilar uchun qulay sharoit yaratish, turistlarga yaxshi xizmat ko'rsatish, binoning interyer, dizayn va landshaft yechimlarini yaratish kabi muhim jihatlarni qamrab olgan davlat muzeylarining yangi konsepsiyalarini ishlab chiqishga alohida e'tibor qaratilgan. Shuningdek, mahalliy hokimliklar har bir tuman va shahar markazidagi madaniyat va aholi dam olish markazlari binosida an'anaviy san'atimiz va qadriyatlarimizga nisbatan yuksak hurmat-ehtirom tuyg'ularini uyg'otadigan hamda muntazam ravishda yangilanib boruvchi ko'rgazma-ekspozitsiyalarni tashkil etishi belgilangan.

Mazkur vazifalarni bajarishga Madaniyat, Xalq ta'limi, Moliya, Iqtisodiyot, Tashqi ishlar, Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirliklari, Fanlar akademiyasi, Badiiy akademiya, Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi, Fan va texnologiyalar agentligi, "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi hamda barcha hududiy hokimliklarning mas'ul etib belgilangani bejiz emas. Chunki keyingi paytda muzeylarda mamlakatimiz hududlari aholisining tarixiy qiyofasi, turli davrlardagi hayoti, turmush tarzi va etnografik xususiyatlarini haqida hikoya qiluvchi fotoko'rgazmalar, amaliy san'at namunalari va arxeologik topilmalar ko'rgazmalari, ochiq eshiklar kuni, mahorat darslari, turli tanlov-viktorinalar, konsert dasturlari, tanqili san'at va madaniyat namoyandalari bilan uchrashuvlar tashkil etila boshlandi. Yoshlarga muzeylar ustaxonalarida restavratyorlar ishi bilan yaqindan tanishish imkoniyati ham yaratib berilmoqda. Bu yosh avlodning muzeylarga intilishini rag'batlantirib, targ'ibot ishlari natijadorligini ta'minlabgina qolmasdan, dunyoqarashi kengayishiga ham ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bunday keng ko'lamlil ishlar hamkorliksiz bo'lmaydi, albatta.

Bugun yurtimizda milliy muzey fondining elektron katalogini yaratish, muzeylarning noyob arxiv hujjatlarini raqamlashtirish, "O'zbekiston muzeylari" ensiklopediyasini nashr etish, "Virtual muzey" loyihasi doirasida 2 mingga eng nodir muzey ashyosining 6 ta tildagi 3D va audio formatini yaratish, muzey xodimlarining ekspeditsiyalarini tashkil etish orqali tarixiy qimmatga ega eksponatlarini izlab topish va muzeylar fondini boyitish kabi dolzarb yo'nalishlarda keng ko'lamlil ishlar amalga oshirilayotgani quvonarlidir.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHIGazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdalievich

## TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,  
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,  
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina – bosh muharrir  
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

## Dizayner

Abdullayev  
Xurshid  
O'ktamjonovich

## Navbatchi

Hasan Usmonov

"YOSHLAR OVOZI"dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirish shart.  
belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.

Buyurtma G-1136  
Adadi — 11196



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,  
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.Indeksler: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxdaBuyurtma G-1136  
Adadi — 11196Bosishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.25  
O'za yakuni — 23.00

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5